

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 85-ҳадис

85 - *Абу Умора Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй фалончи! Тўшагингга кирганингда: «Аллоҳумма, асламту нафсии илайка, ва важжаҳту важҳии илайка ва фаввадту амри илайка ва алжа'ту зоҳри илайка, роғбатан ва роҳбатан илайка, лаа малжа'а ва лаа манжаа минка иллаа илайка. Аманту би китаабикаллазии анзалта ва бинабиййикаллазии арсалта»,* дегин. Агар шу кечасида ўлсанг, фитратда ўласан. Агар тонг оттирсанг, ажрга эга бўласан».*

Абу Умора Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй фалончи! Тўшагингга кирганингда: «Аллоҳумма, асламту нафсии илайка, ва важжаҳту важҳии илайка ва фаввадту амри илайка ва алжа'ту зоҳри илайка, роғбатан ва роҳбатан илайка, лаа малжа'а ва лаа манжаа минка иллаа илайка. Аманту би китаабикаллазии анзалта ва бинабиййикаллазии арсалта», дегин. Агар шу кечасида ўлсанг, фитратда ўласан. Агар тонг оттирсанг, ажрга эга бўласан».*

1. 85. Абу Умора Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Эй фалончи! Тўшагингга кирганингда: «Аллоҳумма, асламту нафсии илайка, ва важжаҳту важҳии илайка ва фаввадту амри илайка ва алжа'ту зоҳри илайка, роғбатан ва роҳбатан илайка, лаа малжа'а ва лаа манжаа минка иллаа илайка. Аманту би китаабикаллазии анзалта ва бинабиййикаллазии арсалта»,*** дегин. Агар шу кечасида ўлсанг, фитратда ўласан. Агар тонг оттирсанг, ажрга эга бўласан».

* Дуонинг маъноси: **«Аллоҳим! Сендан қўрққан, умид қилган ҳолда ўзимни Сенга таслим қилдим, юзимни Сен сари бурдим, ишимни Сенга топширдим, Сенга суяндим. Сендан қочишга ва нажот топишга ҳузурингдан бошқа жой йўқ. Нозил қилган Китобингга ва юборган Набийингга иймон келтирдим».**

Муттафақун алайҳ.

Икки «Саҳиҳ» китобида Баро розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагича айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ётоғингга кирмоқчи бўлсанг, намозга қиладиган таҳоратингни қил. Сўнг ўнг ёнинг билан ётиб, (юқоридаги) дуоларни айт. Охирги айтадиганинг шулар бўлсин», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI